 Док.сериял.  
 11:40 "Что делать?". Программа  
 В.Третьякова.  
 12:25 ФРЭНК СИНАТРА ПОЕТ  
 ЛУЧШИЕ ПЕСНИ.  
 13:35 ШЕДЕВРЫ МИРОВОГО  
 МУЗЫКАЛЬНОГО ТЕАТРА. Балет  
 "Иллиды как "Лебединое озеро".  
 16:15 "Мама дад мамонтенга".  
 Мультифильм.  
 16:25 ВОКРУГ СМЕХА. Нон-стоп.  
 Везуний А.Арканов.  
 17:05 "Театральный романг".  
 Телевизионный X/ф.  
 19:00 "Широкый формат" с Ириной  
 Лесовой.

19:30 "Проклятие царя Тутанхамона".  
 Док. фильм.  
 20:30 "Профессионал". X/ф.  
 22:20 Программа передач.  
 22:25 "Королева Арбата". Док. фильм.  
 22:40 ЛЕГЕНДЫ МИРОВОГО  
 КИНО. Юрий Белов.  
 23:10 Н.Римский-Корсаков. Сюита  
 "Шехеразада".



8:35 "Лесной концерт". Мультифильм.  
 8:50 "Бити Блоксберг".  
 Многосерийный мультифильм.  
 9:20 "Смеларики". Многосерийный  
 мультифильм.  
 9:30 "Фиттер и Лопака".  
 Многосерийный мультифильм.  
 10:10 Лучше программы "Улысь  
 Сезам".  
 10:30 "Тажет и галлеткина".  
 Многосерийный мультифильм.  
 11:00 "Аладини". Многосерийный  
 мультифильм.  
 13:00 "Жизнь прекрасна".  
 Музыкальный ток-шоу.  
 15:00 "Снимите это немедленно".  
 Развлекательная программа с  
 элементами реалисти-шоу.  
 16:00 Фильм производства ВВС.  
 "Человеческие инстинкты".  
 "Сокровенные желания".  
 17:00 История в деталях.  
 Специальный выпуск.  
 17:30 "НЕ РОДИТЬ КРАСИВО".  
 Многосерийный X/ф. (Повтор сери  
 от 2 - 6 мая).  
 22:00 Кино. "ОЧЕНЬ СТРАШНОЕ  
 КИНО".  
 23:55 "6 кадров". Юмористическое  
 скетч-шоу.



7:30 Жизнь полная радости.  
 8:00 Русские мультифильм.  
 8:30 Русские мультифильм.  
 8:50 Русские мультифильм.  
 9:30 Русские мультифильм.  
 9:45 Русские мультифильм.  
 10:00 X/ф "ВЕЗУЧИЙ ПЕС".  
 10:00 X/ф "БОБКА НА СЕНЕ".  
 1-я и 2-я серия.  
 14:30 "Курьер".  
 15:00 X/ф "ПРОФЕССИОНАЛ".  
 17:15 X/ф "ПАШЫЙ АНГЕЛ".  
 19:20 "Осторожно, модерн!"  
 19:30 "Осторожно, модерн!"  
 20:00 X/ф "ЗАРЯЖЕННЫЕ  
 СМЕРТЬЮ".  
 21:45 X/ф "БЕЗ ВЕСТИ  
 ПРОПАШИНЕ".  
 23:45 X/ф "ВОЗВРАЩЕНИЕ  
 ДЖЕКА-ПОТРОШИТЕЛЯ".



8:00 "Дикая планета": "Больше  
 рыжкие кенгуру". Док. фильм.  
 9:00 Дит". Мультисериял.  
 9:25 "Близнаши-птерияшки".  
 Мультисериял.  
 9:50 "Терулес". Мультисериял.  
 10:15 "Симпсона". Муль. серия.  
 11:15 Без тормозов.  
 11:45 "Неделя" с М.Максимовской.  
 13:05 Военная тайна.  
 13:45 "Кино": "БЛОНДИНКА ЗА ЗАКОНО".  
 16:00 "Формула-1": "Обратный отсчет".  
 16:45 "Формула-1". Гонка. Прямая  
 трансляция из Испания.  
 18:45 "Формула-1": Лучшие моменты.  
 19:30 "Невероятные истории"  
 с И.Дыховичным.  
 21:00 "День Доминю".  
 23:10 "Эволюция человека". Док.  
 фильм.



## 30-канал

## Душанба

16:55 Иван профаникка ишвери  
17:00 Х/Ф «Ловиша для родителей»  
17:40 «Музейный лабиринт»  
18:00 «Кассандра», сериал  
18:45 «Парадизит ТВ тақдим этили  
«Иккинчи ва янги»  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор» фойдали газета  
20:00 «Музейный лабиринт» музыкальная  
передача  
21:00 «София, менга имкон бер», сериал  
21:45 «Теле-Хамкор» фойдали газета  
21:55 «Музейный лабиринт» музыкальная  
передача  
22:25 «Иккинчи лабиринт»  
23:00 «Кашидар макони», сериал  
23:10 «Эстрада оқинлари»

## Сешанба

9:00 Открытие программы  
9:05 «Сказка о царь Сатане», сказка  
10:30 Х/Ф «Белорусский вояска»  
12:05 «Теле-Хамкор»  
12:25 «Делский час»  
12:50 «Сопити», сериал  
13:40 «Музейный лабиринт», музыкальная  
передача  
14:00 «Лавиша сказки диванов», мультфильм  
15:30 «Ошиқона» муносиб дустури  
16:15 «Айлар оруси» повтор передачи  
16:45 «Теле-Хамкор»  
17:40 Х/Ф «Ловиша для родителей»  
17:45 «Эстрадалар»  
17:55 «Иккинчи лабиринт»  
18:00 «Кассандра», сериал  
18:40 «Уйкух кунлилари»  
18:50 «Эстрадалар»  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
20:00 «Музейный лабиринт»  
21:00 «Сизга таянган фароблар»,  
муносиб дустур  
21:45 «Музейный лабиринт»

22:15 «Иккинчи лабиринт»  
22:20 Х/Ф «Мураббат мохириси»

## Чоршанба

12:00 Открытие программы  
12:05 «Теле-Хамкор»  
12:25 «Делский час»  
12:50 «Сопити», сериал  
13:40 «Музейный лабиринт», музыкальная  
передача  
14:00 «Камея хамагоню отни»,  
мультфильм  
15:30 «30 карт»  
16:00 «Делский час»  
16:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
17:00 Х/Ф «Ловиша для родителей»  
17:40 «Музейный лабиринт»  
18:00 «Кассандра», сериал  
18:45 «Испидон ТВ» тақдим этили  
Мойилан сазо  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
20:00 «Музейный лабиринт»  
21:00 «София, менга имкон бер», сериал  
21:45 «Музейный лабиринт»  
22:15 «Иккинчи лабиринт»  
22:20 «Кашидар макони»  
23:00 «Музейный лабиринт»  
23:10 «Кино ситлари»

## Пайшанба

12:00 Открытие программы  
12:05 «Теле-Хамкор»  
12:25 «Делский час», мультсериал  
12:50 «Сопити», сериал  
13:40 «Музейный лабиринт»  
14:00 Х/Ф «Три токсика», сказка  
15:30 «Уйкух»  
16:00 «Делский час»  
16:45 «Теле-Хамкор»  
17:00 «Ловиша для родителей»  
17:45 «Сезна неповторима»  
18:00 «Кассандра», сериал  
18:40 «Кино-ТВ. Испидон тақдим этили  
«Уйкух аёллари»

18:50 Эстрада оқинлари  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
20:00 «Музейный лабиринт»  
21:00 «София, менга имкон бер», сериал  
21:45 «Музейный лабиринт»  
22:15 «Иккинчи лабиринт»  
22:20 «Кашидар макони», сериал  
23:00 «Музейный лабиринт»

## Жума

12:00 Открытие программы  
12:05 «Теле-Хамкор»  
12:25 «Делский час»  
12:50 «Сопити», сериал  
13:40 «Музейный лабиринт»  
14:00 Х/Ф «Королевство кривых зеркал»,  
сказка  
15:20 «Ошиқона» муносиб дустури  
16:15 «Делский час»  
16:45 «Теле-Хамкор» фойдали газета  
17:00 «Музафильм»  
17:30 «Марказ ТВ» тақдим этили «Судьба»  
18:00 «Кассандра», сериал  
18:45 «Мирисон ТВ», тақдим этили  
«Уйкух кунлилари»  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
20:00 «Музейный лабиринт»  
21:00 «София, менга имкон бер», сериал  
21:45 «Музейный лабиринт»  
22:15 «Иккинчи лабиринт»  
22:20 «Кашидар макони»  
23:00 «Музейный лабиринт»

## Шанба

9:00 Открытие программы  
9:05 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
9:20 «Делский час», мультсериал  
11:10 «Ошиқона» муносиб дустури  
11:55 «Супер вестри»  
12:40 «Анна в стране чудес»  
14:30 «Болгар сони»  
15:30 «Музыкальный календарский»  
16:00 «Такси хамрох»

16:30 Музафильм  
16:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
17:00 Х/Ф «Королевство обесценен»  
18:15 «Ленив АТР», «Никон ТВ», тақдим  
этили «Уйкух аёллари»  
18:30 «Ошиқона»  
19:00 «Ошиқона» муносиб дустури  
19:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
20:00 «Хит-парад плюс»  
21:00 «Нарчиан арена»  
21:45 «Шоу-бизнес интисилари»,  
информацион дустур  
22:10 Индийское кино «Тандор Диск»

## Якшанба

9:00 Открытие программы  
9:05 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
9:20 «Делский час», мультсериал  
9:30 Музафильм  
11:00 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
11:15 Художественный фильм «Анна в  
стране чудес»  
12:45 «Музейный лабиринт»  
13:00 «Теле-экспресс» передача о кино  
13:20 «Хитлард плюс» повтор передачи  
14:20 «Шоу-бизнес интисилари»,  
информацион дустур  
14:50 «Болгар сони»  
15:20 «Айлар оруси»  
15:50 «То-Ми-Сонь шоу», детский  
музыкальный концерт  
16:45 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
17:00 Х/Ф «Робинзон Крузо»  
18:25 «Музейный лабиринт»  
18:40 «Судияни, менга аёллар курсатгани»  
19:00 «Теле-Хамкор», фойдали газета  
19:15 «Ошиқона» муносиб дустури  
20:00 «30 карт» реалити-шоу передача  
20:30 «Музейный лабиринт»  
21:00 «Музыкальные окладим»  
21:45 «Музейный лабиринт»  
22:10 Х/Ф «Дани в черном 2»

## TV-Марказ

## Душанба

12:00 Марказ NEWS  
12:20 Мировые хиты  
13:00 Марказ NEWS  
13:20 Узбек наволари  
14:00 «Юдузли пайшанба»  
(повтор)  
14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
15:45 Узбек наволари  
16:30 Мировые хиты  
17:00 «Судьба»  
17:30 Узбек наволари  
18:00 Марказ NEWS (узб.)  
18:20 Узбек наволари  
19:00 Марказ NEWS (рус.)  
19:20 Кино «В бой идут одни  
старик»  
21:00 «Миссия неповторима»  
(повтор)  
21:30 Узбек наволари  
22:00 Кино «А зори здесь тихие»  
1-серия  
23:40 Миксер  
00:30 «Hot-7» (повтор)

## Сешанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)  
12:20 Узбек наволари  
13:00 Марказ NEWS (рус.)  
13:20 Мировые хиты  
14:00 «Hot-7» (повтор)  
14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
15:45 Узбек наволари  
16:30 ТОП-10 (повтор)  
17:00 Узбек наволари  
18:00 Марказ NEWS (узб.)  
18:20 Мировые хиты

19:00 Марказ NEWS (рус.)  
19:20 Спецрепортаж  
19:40 Кино «Армон»  
21:00 Президиция программа,  
посвящается Дню памяти  
«Победная весна»  
22:00 Кино «А зори здесь тихие»  
2-серия  
23:40 Миксер

## Чоршанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)  
12:20 Мировые хиты  
13:00 Марказ NEWS (рус.)  
13:20 Узбек наволари  
14:00 Мировые хиты  
14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
15:45 Узбек наволари  
16:00 «Миссия неповторима»  
(повтор)  
16:30 Узбек наволари  
17:00 «Очил дустурон» (повтор)  
17:30 Узбек наволари  
18:00 Марказ NEWS (узб.)  
18:20 Узбек наволари  
19:00 Марказ NEWS (рус.)  
19:20 Сериал  
20:20 Мировые хиты  
21:00 Узбек наволари  
21:40 Лучшие фильмы всех  
времен «Список Шиндлера»

## Пайшанба

12:00 Марказ NEWS (узб.)  
12:20 Узбек наволари  
13:00 Марказ NEWS (рус.)  
13:20 Мировые хиты  
14:00 Спецрепортаж (повтор)

14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
15:45 Мировые хиты  
16:00 Узбек наволари  
16:30 «Hot-7»  
17:00 Узбек наволари  
18:00 Марказ NEWS (узб.)  
18:20 Мировые хиты  
19:00 Марказ NEWS (рус.)  
19:20 Сериал  
20:20 Узбек наволари  
21:00 «Юдузли пайшанба»  
21:30 Мировые хиты  
22:00 Кино «Тренировочный день»  
24:00 Миксер

## Жума

12:00 Марказ NEWS (узб.)  
12:20 Мировые хиты  
13:00 Марказ NEWS (рус.)  
13:20 Узбек наволари  
14:00 «Юдузли пайшанба»  
(повтор)  
14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
16:20 Мировые хиты  
16:30 Узбек наволари  
17:00 «Судьба» (повтор)  
17:30 Узбек наволари  
18:00 Марказ NEWS (узб.)  
18:20 Узбек наволари  
19:00 Марказ NEWS (рус.)  
19:20 Сериал  
20:20 Мировые хиты  
21:00 Узбек наволари  
22:00 Кино «Сотовый»  
23:40 Миксер

## Шанба

12:00 TOTAL NEWS (узб.)  
12:30 Узбек наволари  
13:00 TOTAL NEWS (рус.)  
13:30 «ТОП-10» (повтор)  
14:00 Мировые хиты  
15:00 Теления  
16:20 Узбек наволари  
16:30 «Очил дустурон» (повтор)  
17:00 Узбек наволари  
17:30 «Юдузли пайшанба»  
(повтор)  
18:00 TOTAL NEWS (узб.)  
18:30 Узбек наволари  
19:00 TOTAL NEWS (рус.)  
19:30 Индийское кино  
21:40 Узбек наволари  
22:00 Кино «Поймай меня, если  
сможешь»  
00:30 «Миссия неповторима»

## Якшанба

12:00 TOTAL NEWS (узб.)  
12:30 Узбек наволари  
13:00 TOTAL NEWS (рус.)  
13:30 «Очил дустурон»  
14:00 Мировые хиты  
14:30 Узбек наволари  
15:00 Теления  
16:20 Узбек наволари  
17:00 TOTAL NEWS (узб.)  
17:30 Узбек наволари  
18:00 TOTAL NEWS (рус.)  
18:30 Спецрепортаж (повтор)  
19:00 Индийское кино  
20:30 «ТОП-10»  
21:00 Мировые хиты  
22:00 Кино (sms-голосование)  
24:00 Узбек наволари



**"O'ZALQAKONSALTING" MAS'ULIYATI  
SHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI**

**Барча алоқачиларни  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан чин дилдан қутлайди.**

*Азиз ҳамкасблар!  
Сизларга соғлиқ-  
омонлик тилаган  
ҳолда келгуси  
ишларингизда  
муваффақиятлар  
ёр бўлсин деймиз.*

**O'ZBEKTELEKOM  
"ҚОРАҚАЛПОҚ ТЕЛЕКОМ"  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Алоқа ва ахборотлаштириш  
соҳаси ходимларини  
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ  
билан чин қалбдан табриклайди.**

**Юртимиз фаровонлиги  
йўлидаги ишларингизда  
Сизларга зафарлар ёр бўлсин.**

**Ўтаётган ҳар бир кун Сизга  
олам-олам қувонч келтирсин!**

**"EAST TELECOM"**

**КЎШМА КОРХОНАСИ  
ЖАМОАСИ**

**Мамлакатимизнинг  
барча алоқа ходимларини  
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ  
билан муборакбод этади.**

*Соҳа равнақи  
ва истиқболи  
йўлидаги саъй-  
ҳаракатларингизда  
улкан ютуқлар ёр  
бўлсин!*

**Байрамингиз муборак!**

**"ЎЗИ-ҚАРШИ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

**Республикаимиз алоқа  
ходимларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан табриклайди.**

**Ҳурматли ҳамкасблар!  
Ушбу шукуҳли кунларда  
сизларга  
тинчлик, хотиржамлик,  
хонадонингизга  
қут-барака тилаймиз.**

**Байрамона кайфият  
Сизни асло тарк этмасин!**




 O'ZBEKTELEKOM

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ МОБАЙЛ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Алоқа ва ахборотлаштириш  
соҳаси ходимларини  
**АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ**

билан чин қалбдан  
табриклайди.

Қадри ҳамкасблар!  
Ўзаро ақиллигимиз ҳеч қачон  
ийқолмасин. Ҳамиша элимиз хизматига  
камарбаста бўлайлик!


 O'ZBEKTELEKOM

**“ХОРАЗМ ТЕЛЕКОМ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Республикамизнинг  
барча алоқачиларини  
**КАСБ БАЙРАМЛАРИ**  
билан қизгин қутлайди.

*Соҳа ривожу йўлидаги  
ишларингизда  
муваффақиятлар тилаймиз.  
Доймо соғ-омон, бахтли  
бўлинг.*

Ватанимиз тинч,  
осмонимиз мусаффо  
бўлсин!


 O'ZBEKTELEKOM

**“НАВОЙ ТЕЛЕКОМ”  
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз аҳолисини,  
шу жумладан, алоқа ва  
ахборотлаштириш соҳаси  
ходимларини

**АЛОҚАЧИЛАР  
БАЙРАМИ**

билан чин дилдан  
муборакбод этади.

Ушбу шукуҳли кунларда  
сизларга энг эзгу  
тилакларни йўллаймиз.

Ўртимиз гулдаб-яшнайверсин!

**“ЎЗИ-ТЕРМИЗ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

Барча алоқачиларни  
**КАСБ БАЙРАМЛАРИ**  
билан чин қалбдан  
муборакбод этади.

*Ҳаётингиз нурли,  
умрингиз узок,  
хонадонингиз  
фаровон бўлсин!*

Эзгу орзуларингиз ушалаверсин!



# "BUZTON" ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқа  
ва ахборотлаштириш  
соҳаси ходимларини  
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ  
билан муборакбод этади.

Сизларга оилавий тотувлик, бахт-  
саодат, хонадонингизга тинчлик-  
хотиржамлик тилаймиз.

Ўтаётган ҳар бир лаҳза ҳаётингизга мазмун бахш этсин!

Акциядорлик-тижорат «АЛОҚАБАНК» жамоаси

Юртимиз алоқачиларини  
КАСБ БАЙРАМЛАРИ  
билан чин дилдан муборакбод этади.


Ушбу фараҳбахш кунларда Сизларга энг эзгу  
тилакларни йўллаётганимиздан гоят бахтиёрмиз.

Хонадонингиздан бахт  
ва қувонч аримасин!



Хар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрни беқийсдир. Илм-фаннинг нуфузи ва жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси эса кўп жиҳатдан илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Маълумки, республикада кўплаб етук олимлар, илмий-педагогик кадрлар фаолият кўрсатмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Физика" кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Қаҳҳор АБДУРАҲМОНОВ ҳам ана шундай заҳматкаш олимларимиздан биридир.



## Илм фидойиси

Қаҳҳор Абдураҳмонов 1941 йилнинг 8 майида Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1966 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг физика факултетини тамомлаб, педагогика фаолиятини "Назарий физика" кафедрасида бошлаган. 1971 йилда А.Ф.Иоффе номидаги Санкт-Петербург (Ленинград) Физика-техника институти аспирантурасига ўқишга кирди. Олиб борган илмий тадқиқотларнинг натижалари 1973 йилда физика-математика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёқланган диссертация ишига асос бўлди.

Еш олим 1981 йилда ТошДУ қошидаги Амалий физика илмий текшириш институтини ташкил этилишига ва унинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди. У 1995 йилгача ярим ўтказгичлар физикаси лабораториясида мудири ҳамда директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Илмий фаолияти давомида янги техника воситаларини лойиҳалаш ва яратиш бўйича етук олим, юқори малакали мутахассис эканлигини кўрсатди. Унинг раҳбарлигида дунёда биринчи бўлиб ярим ўтказгичларнинг туннел спектроскопия услуби ва тўла автоматлашган экспериментал қурилмаси яратилди.

1991 йилда Қ.Абдураҳмонов физика-математика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун "Кристаллар нуқсонли тузилмаларининг кремний энергетик спектрига таъсири" мавзусидаги диссертация ишини ҳимоя қилди. Шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси буюртмасига биноан олим раҳбарлигида янги технологияларни ўзлаштириш, импортни қоплай оладиган замонавий электрон асбоблар ва қурилмалар яратишга киришилди. Натижада Ўзбекистонда биринчи бор суперкремнийон ва зарядлар алоқасига эга бўлган тузилмалар асосида кечаси кўрадиган телевизион камералар, инфрақизил ёритгичлар, видеоқайтиргичлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бундан ташқари, техник сифатга эга бўлган, электроника учун муҳим ҳисобланган кремнийнинг саноат миқёсида олишнинг мамлакатимиз шароитида қўллаш мумкин бўлган технологияси ишлаб чиқилди.

Қаҳҳор Абдураҳмонов ташкилотчи олим сифатида ҳам кўпчиликка таниш. 1992-1996 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида масъул лавозимларда ишлади. Ҳозирги кунда у номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Ихтисослашган илмий кенгаши

лар аъзоси. 1994 йили унинг раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси қошида "Микроэлектроника ва махсус техника" илмий ишлаб чиқариш маркази ташкил этилди. У марказ директори, илмий раҳбари сифатида қатор инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилишига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Олимга 1978 йилда доцент, 1994 йилда эса профессор илмий унвонлари берилган. Унинг бево-ситига иштироки ва илмий раҳбарлигида 175дан ортик илмий ишлар чоп этилган ва қатор илмий ихтиролар амалиётга жорий этилган. Саккиз нафар фан номзоди ва икки нафар фан докторига устозлик қилди.

2002 йилдан бошлаб Қаҳҳор Абдураҳмонов Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Физика" кафедрасига раҳбарлик қилляпти. Кафедрани илмий изланишларни жонлантириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш ҳамда илмий педагогик кадрларни тайёрлашда унинг кўп йиллик илмий салоҳияти ва тажрибаси жуда қўл келмоқда. Жумладан, янги педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ қилиш, мультимедиа ўқув аудиторияларини ташкил этиш, виртуал ўқув қўлланмаларини ва дарсликларни яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буюртмаси бўйича иккита илмий-тадқиқот иши ҳам Қ.Абдураҳмонов раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда.

Устоз ўзининг меҳнатсеварлиги, ходимларга меҳрибонлиги ҳамда тиниб-тинчимаслиги билан жамоа орасида катта ҳурмат ва обрў қозongan.

Қаҳҳор Абдураҳмонов 1997 йилда мамлакатимизда фан ва техникани ривожлантиришдаги улкан хизматлари, юрт истиклолини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган.

Олим ўзи истикомат қиладиган Тошкент шаҳар "Миробод" маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси сифатида маҳаллада ободонлаштириш ва бошқа хайрли ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда ҳам жонбозлик кўрсатиб келаётир.

Биз — Қ.Абдураҳмоновнинг ҳамкасблари устозга мустаҳкам соғлиқ, ижоди-га барака ва қилаётган ишларида улкан зафарлар тилаб қоламиз.

**Муҳиддин АБДУҚОДИРОВ,**  
ТАТУ техника фанлари доктори, профессор

HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

## Тажриба ва анъаналарга таяниб

Мамлакатимиздаги кўпгина ўқув масканлари қаторида Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт касб-хунар коллежининг ҳам ўз ўрни бор. Тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Одилов раҳбарлик қилаётган ушбу коллежда ўқув жараёнлари замонавий давлат таълим стандартлари асосида олиб борилмоқда.



Мазкур ўқув даргоҳи ёшларнинг мустаҳкам билим олиши ва келажакда муносиб кадр бўлиб етишиши учун барча шарт-шароитлар яратилиб, моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Иккита 300 ўринли мажлислар зали, спорт саройи, 50 ўринли профилакторий, 295 ўринли талабалар уйи, 44та ўқув хонаси, 46та аудитория ва лаборатория хоналари давр талаблари асосида жиҳозланган. Бугунги кун мутахассисидан нафақат ўз соҳасини мукаммал эгаллаш, балки замонавий ахборот технологияларидан иш жараёнида самарали фойдалана олиш ҳам талаб этилади. Шу мақсадда тиббиёт коллежида дарслар компютер ва инновацион технологиялар билан таъ-

лари, маҳалла оқсоқоллари, тиббиёт ходимлари билан "Биз террорга қаршимиз", "Беш қарра йўқ", "Ёшлар гиёвандликка қарши" каби тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилади.

Ҳозирги кунда мазкур ўқув юртида таҳсил олаётган 3094 нафар талабанинг ҳар бирини келажакда иш билан таъминлаш учун ҳам 80дан ортик муассасалар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Жумладан, Тошкент шаҳар поликлиникалари, диспансерлар, Тошкент давлат тиббиёт академияси клиникалари ва бошқа давлат масканлари билан шартномалар қилиниб, 2005 йилда коллежни битирган 899 битирувчининг 80 фоизга яқини ишга жойлаштирилди. Қолганлари эса ўзлари келган вилоят ва шаҳарлардаги тиббий муассасаларда фаолият юритишмоқда.

Коллеж талабаларининг малакали мутахассислар бўлиб етишишида ушбу даргоҳда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилаётган тажрибали устозлар ҳамда иқтидорли ёш ўқитувчиларнинг ўрни беқийс, албатта. Ҳозирда ўқув даргоҳида 187 нафар юқори билим салоҳиятига эга педагог-мутахассислар талабаларга илм сирларини ўргатмоқда. Булардан А.Ғаниев, Т.Шеппилова, А.Тошқўжоев, М.Ибрагимова, М.Қамолова, М.Умарова, М.Холиуллина ва М.Зокиров каби ўз касбининг фидойиларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида коллежга кўпгина хомий ташкилотлар томонидан ёрдам кўрсатилляпти. Яқинда "Ўзкимёфарм" заводи кимёвий реактивларни, Тошкент фармацевтика институти ва Тошкент давлат тиббиёт академияси ўқув қўлланмаларни коллежга топширишди. Бундай савобатли ишлардан ўқув даргоҳи жамоаси беҳад миннатдор.

Ўтган йили коллеж ўзининг 85 йиллигини кенг нишонлади. Катта тажриба ва анъаналарга таянган ҳолда замонавий таълим тизимини жорий этиш орқали келгусида иқтидорли ва юқори савияли кадрлар тайёрлаш коллеж маъмуриятининг шioriга айланган. Бу йўлда уларга улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз



Sport

# Sport



## UMID NIHOLLARI – 2006



### ЁШЛИК ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

**Бугун Қарши шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг анъанавий "Умид ниҳоллари – 2006" республика спорт ўйинларининг тантанали очилиш маросими ўтказилади.**

"Кичик олимпиада" иштирокчилари спортнинг 12 тури бўйича ғолиблик учун баҳс олиб боришади. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ҳамда Тошкент шаҳридан 143 нафардан ўқувчи-спортчилар қатнашадилар.

Хоразмда ўтган охириги мусобақада ғолиб чиққан йигит-қизларнинг 41 нафари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ва бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинганди. Қаршида ҳам ғолиб ва совриндорларни аjoyиб совринлар кутмоқда. Жумладан, умумжамоа ҳисобида ғолиб бўлган жамоаларга Президент совғаси – "Дамас" автомобиллари топширилади.

Баҳслар асосан "Насаф", "Динамо" стадионлари, Қарши олимпия захиралари спорт коллежи, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ва бошқа ўқув юртларининг спорт залларида уюштирилади. "Умид ниҳоллари – 2006" республика спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари янги қуриб битказилган "Марказий" стадионда бўлиб ўтади.

Бир ҳафта давом этадиган ёшлик ва шижоат байрами барча муҳлисларни аjoyиб спорт баҳсларининг гувоҳи бўлишга чорлайди.

## FUTBOL

### ЧОРАК ФИНАЛ МАСАЛАСИ СЎНГИ ТУРГА ҚОЛДИРИЛДИ

**Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи ўйинларининг навбатдаги тур беллашувлари бўлиб ўтди.**

"Машъал" ўз майдонида Ироқнинг "Ал-Минаа" жамоасини қабул қилган бўлса, "Пахтакор" сафарда Суриянинг "Ал-Иттиҳод" клубига қарши баҳс олиб борди.

"Машъал" — "Ал-Минаа" — 2:2

**Голлар:** Жасур Ҳасанов, 30; Шухрат Мирхолдиршоев, 71 — Сажад Абдулқозим, 12; Мохлас Абдулсаттор, 60.

Учрашув тенг курашлар остида кечди. Ҳисобни биринчи бўлиб ироқликлар ҳужумчиси очди. Шундан сўнг Виктор Жалилов шогирдлари ҳужумларни кучайтирди. Уйиннинг 30-дақиқасида Жасур Ҳасанов 30 метрдан жарима тўпини аниқ амалга ошириб, мувозанатни тенглаштирди.

Иккинчи бўлимда мەхмонлар яна ҳисобда олдинга чиқиб олишди. "Машъал" эса 71-дақиқада жавоб тўпини киритди. Чемпионатимиз кумуш медали соҳиби ғалаба учун қанчалик ҳаракат қилмасин, рақиб дарвозасини бошқа ишғол қила олмади. Бу эса "Машъал"нинг чорак финалга чиқиш имкониятларини деярли йўққа чиқарди. Сўнгги турда муборакликлар гуруҳ пешқадами "Ал-Айн" билан баҳс олиб борди.

Мамлакатимиз чемпиони — "Пахтакор" ушбу турнинг ўзидаёқ чорак финал масаласини ҳал қилиши мумкин эди. Бироқ Валерий Непомнящий шогирдлари "Ал-Иттиҳод" қаршилигини синдира олишмади.



"Ал-Иттиҳод" — "Пахтакор" — 2:1

**Голлар:** Маан Ал Рашид, 16; Мухаммад Ал Дамен, 45 — Вячеслав Пономарёв, 20.

Уйиннинг 15-дақиқасида жарима майдони ичида "Пахтакор" ҳужумчиси Клецов рақибга қўполлик ишлатди ва Темур Жўраев дарвозаси томон 11 метрлик жарима тўғи белгилади. Маан Ал Рашид ушбу имкониятдан унумли фойдаланди. Орадан беш дақиқа ўтиб, Пономарёв ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлим якунига етай деб қолганда сурияликлар яна тўп киритишиб, ҳисобни оширишди.

Иккинчи бўлимда дарвозалар даҳисис қолди. Энди "Пахтакор" чорак финалга чиқиш учун ушбу турда гуруҳ пешқадамига айланиб олган "Ал-Қодисия"ни Тошкентда мағлуб этishi талаб этилади.

## MINI-FUTBOL

### АЛОҚАЧИЛАР "АЛПОМИШ"ДА

**Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳида Сурхондарё вилояти алоқачилари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.**

Соҳа ходимларининг касб байрамга бағишланган ушбу спорт тадбирида барча жамоалар ғолиблик учун астойдил кураш олиб боришди. Айниқса, "Сурхондарё Телеком" филиали, вилоят радиотелевидение узатиш корхонаси жамоалари мусобақага жиддий тайёргарлик кўришганини ўзларининг аjoyиб ўйинлари билан исботлаб бердилар. Айнан ушбу жамоалар рақибларидан ҳар томонлама устун эканликларини намоиш этиб, шохсупадан жой олдилар.

Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар ўтказилган мини-футбол мусобақаси касбдорларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига, уларнинг ўзаро муносабатлари мустақамланишига катта қўмак берганини алоҳида таъкиладилар.

**Ашуралӣ ДАМИНОВ,**  
**Сурхондарё вилояти**  
**алоқа ходимлари бирлашган**  
**касаба уюшмаси кўмитаси раиси**

txabar@mail.uz

## SHIFOBAKSH NE'MATLAR

### ТОҒЖАМБИЛ

**Тоғжамбил** — лабгуддошлар оила-сига мансуб ўтсимон ёки ярим бута ўсимлик. Уралиб ўсувчи тоғжамбил асосан тоғ ёнбағирларида юмшоқ, тошли ва шағалли жойларда учрайди. Тоғжамбилнинг дағаллашган ёғочли шохи бўлиб, аксарият ер бағирлаб ётади.

Тоғжамбил ўти таркибида 1 фоизга қадар эфир мойи, танин, флавоноид, гликозид, серпидин, витаминлар, минерал тузлар, органик кислоталар бор. Эфир мойида тимол ва кавракол мавжуд бўлиб, улар кучли анти-септик хусусиятга эга.

Табобатда тоғжамбилдан тайёрланган қайнатма меъда фаолиятини яхшилаш мақсадида, кўкрак оғриғида, йўтал, уйқусизликда тавсия этилади. Шунингдек, модда алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ хасталиклари даволашда фойдаланилади. Тоғжамбил қайнатмасидан қилинадиган боғлама-компресс жароҳатларнинг тузалишини жадаллаштиради, кўз касалликларида ижобий натижа беради. Усимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан оғиз чайқалса, танглай қуриши, милкларнинг яллиғланишига шифо бўлади.

Ташқи муолажа сифатида тоғжамбилли омиллар оғриқ қолдирувчи, бод-невроит азирларидан холи қилувчи восита бўлиб хизмат қилади. Тоғжамбил асосида тайёрланган қайнатмадан (200 мл. сувга 15 грамм махсулот ҳисобида) бир ошқошқидан кунига уч маҳал ичилади.

Синналган халқ амалларидан бири — тоғжамбилни қора зира билан тенг миқдорда олиб тайёрланган дамбама терлатувчи, сийдик ҳайдовчи омил бўлиши билан бирга, яхши балғам кўчирувчи, оғриқсизлантирувчи ҳамда тинчлантирувчи хусусиятга эга.

Тоғжамбил алкоғолизмга қарши беозор восита сифатида ҳам ишлатилади. Бунинг учун 4 ҳисса эрмон ва 1 ҳисса кантариони сағир (золототысячник) олиб, обдон аралаштирилади, аралашмадан дамбама тайёрлаб, кунига 3 маҳал бир ошқошқидан истеъмол қилинади. Даволаниш муддати 2-3 ой.

## Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси инспекция ходимлари Гулнора Маликова ва Саодат Ҳўжаеваларга волидаи муҳтарамалари

**МУАЗЗАМ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ жамоаси Давлат алоқа инспекцияси ходими Саодат Ҳўжаевага волидаи муҳтарамаси **МУАЗЗАМ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг хўжалик бўлими бошлиғи Ортиқ Ибрагимовга онаси

**ОЙНИСА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси меҳнат фаҳрий-си, "Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари" кафедраси катта ўқитувчиси, телекоммуникация технологиялари факултети декани ўринбосари

**Владимир Константинович ДЕМУРИН**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

**Бош муҳаррир:**  
Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Иззат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомавсур ОБИДУЖАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Рашидбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъула котиб)  
Асаджон ХЎЖАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Тахририятта келган кўлама ва суратлар эгаларига қайтарибмайди.  
**Муаллафларнинг факлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.**  
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.  
**Тахририй материал — 0.**  
Рекама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас.  
**Рақам ва давраларнинг ҳақдонийлиги учун мақола муаллифи масъуладир.**  
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

**Манизил:** 700060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
**Тел.:** 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.  
**E-mail:** orif@infonet.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
**Манизил:** Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

754-G соғли буюртма. Офсет усулида босилади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 8502 нусха.

**Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.**  
**Саҳифаловчи:** А. БҮРИБЕВ.  
**Матн терувчи:** Д. МАТҚУРБОНОВА.

Газета ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета тахририят компютер базасида терияди ва саҳифаланди.

Босишга топширилади — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Жамоатчи муҳбирларимиз:	Анлижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 226-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчада 226-43-13	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 23-04-89
-------------------------	--------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	---------------------	---------------------	------------------



## ТАНРИРИЯТ МЕНМОНИ

1990-91 йиллар Бойсундаги "Шалола" фольклор-этнографик ансамбли Франция ва Буюк Британия бўйлаб концерт дастурларини уюштирганда, санъатсевар инсонлар ансамбл иштирокчиларининг ҳар бир чиқишларини олқишладди ва концерт дастури билан яна келишларини сўрашди...

Сайёра ҚОЗИЕВА:

# САНЪАТКОРНИНГ МЕХНАТИ ОФИР

Бугун газетамиз орқали шу ансамблда илк фаолиятини бошлаб, ўзининг фольклор йўналишида ҳамда афғонча, эронча қўшиқлари орқали халқимиз кўнглидан жой олган серкира ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра ҚОЗИЕВА билан бўлган мулоқотимизни ҳавола эътиборимиз.

— Сайёра опа, сизни "Шалола" фольклор ансамбли кўшиқчи сифатида юртдошларимизга танитди. Ушбу ансамблга қандай келиб қолгансиз?

— "Шалола"да фаолият бошлаганим анча қийин кечган. Мактабда ўқиб юрган кезларим мендаги истеводдони англаган ансамбл жамоаси ижодий ҳамкорликни тақлиф этди. Бунга ота-онам қаттиқ қаршилик кўрсатишди. Уша пайтда Бойсунда қиз боланинг саҳнада қўшиқ айтиши нафақат ота-она, балки қариндошлар учун ҳам эриш туюлган. Мен эса таъйиқларга қарамасдан, айтаганимдан қолмадим, қўшиқ кўйлай бошладим. Ҳатто, республика миқёсидаги бир қанча қўшиқ танловларида ансамблимиз билан иштирок этдим, совринли ўринларга сазовор бўлдик.

— Нега ансамблдан кетгансиз?

— Менга бу саволни жуда кўп беришган. Санъаткор эл назарига тушиб, мухлислар томонидан эътироф этилганидан сўнг бундай эътибордан илҳомланиб, янада изланар, янги-янги қўшиқлар яратишга киришар экан. Қайноқ санъат оламига шўнғини ниятида 1996 йилда оиламиз билан пойтахтга кўчиб келдик. Шундан сўнг яққохон хонанда сифатида қўшиқлар ярата бошладим. Бу "Шалола" билан бутунлай алоқани уздим, дегани эмас. Ҳозир ҳам ансамбл билан ҳамкорлик қиламан. Ҳатто, хорижий давлатларга гастрол сафарларида уларга ҳамроҳ бўламан. Яқинда Туркия ва Францияда ўз чиқишларимизни намойиш қилиб қайтдик.

— Яққохон хонанда сифатида рақобатдан қўрқмайсизми?

— Мен бундан сира қўрқмайман. Чунки рақобат бор жойда изланиш бўлади. Боз устига, менинг бошқаларга ўхшамаган ўз ижод йўналишим бор. Буни бошқа «ижодкор» ўзлаштириши учун анча тер тўкишига тўғри келади.

— Илк қўшиқ кўйлаган вақтингизни эслай оласизми?

— Ҳа, эсимда. Сақиз ёшимда Дилором Қаюмованинг "Уч дуго-

на" қўшигини мактабда кўйлаганман. Кейин ота ҳақида ва форсча қўшиқларни ижро этганман.

— Қайси қўшигингиз билан халққа танилдим, деб ўйлайсиз?

— Илк саҳнага чиққан йилларим афғонча ва форсча қўшиқларни хониш қилганман ва улар мени Сайёра Қозиева сифатида кўпчиликка танитди. Масалан, қаерга борсам, ортимдан "Ман омадам", дейишарди. Кейин "Лолча", "Томоғим тешик" сингари халқ термаларини кўйлаганман.

— Санъаткор учун таъқиқ кўриши мўҳим рол ўйнайдими?

— Илгари қўшиқчи учун тўқсон фоиз истевод бўлса, ўн фоиз таъқиқ кўриши, деб ҳисоблашарди. Афсуски, ҳозир айримлар бунинг аксига эътибор беришади. Таъқиқ кўриши гўзал бўлса — у зўр санъаткор! Мен бунга сира қўшилмайман. Фикримча, санъаткорнинг санъатини белгилаб бериш учун таъқиқ кўриши унга ҳеч қачон тўлақонли ютуқ олиб келмайди. Ҳақиқий санъат ихлошмандлари қўшиқчининг сеҳрли овозидан баҳраманд бўлиш мақсадида концертга тушишади. Масалан, дунёга донги кетган шундай қўшиқчилар борки, уларга фақат овозини эшитиб, шайдо бўлиб қоласиз.

— Турмуш ўртоғингиз билан қандай танишгансиз?

— Турмуш ўртоғим — Иброҳим Халилов — қўқонлик. Қўшимиз билан Тошкент давлат маданият институтини таъқиқ юрган пайти Бойсунга — унинг уйига келиб, мени кўриб, ёқтириб қолибди. Танишдик, дўстлашдик, юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб, оила қурдик.

— Фарзандларингизнинг санъатга муносабатинг қандай?

— Икки ўғлим ҳам санъат соҳасини танламади. Каттаси ҳуқуқшунослик, кичикинаси ҳарбийликни ихтиёр этди, аммо санъатни жуда қадрлашади. Улар Шерали Жўраев қўшиқлари ва хориж эстрадасининг ашаддий мухлислари.

— Санъаткорларга кўпчилик ҳавас қилади...

— Санъаткорнинг меҳнати

ниҳоятда оғир. Бунга ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Саҳнада мухлислар хонанданинг тайёёр холга келган қўшиқларини тинглайди. Концертга қадр унинг машаққатли меҳнатини ҳамма ҳам билвермайди. Дунёда санъаткордек меҳнаткаш ва, боз устига, маломатга қолувчи инсон бўлмаса керак. Кўпчиликнинг эътиборида бўлганингиздан кейин ўзингиз хохламаган тарзда турли хил миш-мишлар, гийбатларга дучор бўласиз. Ҳаётга бироз яқин кириб борсангиз, уларнинг ҳам оддий инсон эканлигини кўрасиз. Улар ҳам оилада уй-рўзгор юмушлари, болалар тарбияси билан банд бўлади. Турмуш ўртоғининг кўнглига қарашни ҳам ўрнига қўяди.

Қандай вазиятда бўлишига қарамасдан, у яна саҳнада бежирим либосда, чиройли табассум билан туради. Қайғу-ғамини ҳеч кимга билдирмайди. Шунинг учун ҳам у санъаткор.

— Хизмат сафари билан хорижий мамлакатларда жуда кўп бўласиз. Ижодкор сифатида сизда Ватан, ватанпарварлик туйғулари қандай намоён бўлади?

— Инсон дунёнинг қаерида яшамасин, киндик қони тўкилган жой у учун Ватан ҳисобланади. Айтишади-ку, мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас эмиш, деб. Инсон мусофирликда Ватан ҳиссини кўпроқ туяяр экан. Америкада яшайдиган бир танишим бор эди. Океан ортига борганимизда, бизни уйига тақлиф қилди. Ушанда ҳамма нарсаси бор бадавлат бу кишининг Ватан дардида кўз ёш тўкиб йиғлаганига гувоҳ бўлдим. У фарзандларига "Агар мен қазо қилсам, туғилган юртим — Ўзбекистонга олиб бориб дафн қиласизлар, ўшанда менинг руҳим шод бўлади", — дея васият қилибди. Буни қарангки, у инсон хизмат юзасидан Тошкентга келиб қазо қилди...

Дунёда Ватанин ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Инсон учун дунёда Ватан — бебаҳо ва ягонадир.

Комилжон ҲАСАНОВ сўҳбатлашди

## FILATELISTLAR BURCHAGI

## 1999 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ



183. "Герб" стандарт почта маркаси. 1999 йил. 22 март. Рассом В.НИКИТИН.



184. "Герб" стандарт почта маркаси. 1999 йил. 19 апрел. Рассом В.НИКИТИН.

Ранги — яшил. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 18,5x26 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 330,0 минг нусха.

Ранги — яшил. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Ўлчами 18,5x26 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 10 000,0 минг нусха.

### "Ўзбекистон темир йўл транспорти тарихи" почта маркалари туркуми.

1999 йил. 11 май.

О.БАКЛИКОВА дизайни.

Туркум Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти ривожланишининг тарихига бағишланган. У етти маркадан иборат. Маркаларда Ўзбекистон Республикаси темир йўлларида турли йилларда фойдаланилган темир йўл транспорти воситалари тасвирланган. Номлари ўзбек тилида берилган. Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Ўлчами 26x37 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.



185. "ОБ юк паровози (1897-1917)".



186. "ЗА юк паровози (1931-1935)".



187. "ФД юк паровози (1931-1941)".



188. "СО юк паровози (1934-1932)".



189. "ВЛ-22 электровози".



190. "КЧ паровози".



191. "ТЭП-60 пассажир тепловози".

## Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали Ҳўжайли почта алоқаси тармоғи жамоаси Ҳўжайли Аш ўли ХАЙРУЛЛАЕВНИ таваллуд топган куни билан чин қалбдан табриқлайди. Унга оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарь филиали Чироқчи почта алоқаси тармоғи жамоаси муҳандис Ҳайитмурод НИЕЗОВНИ тугилган куни билан самимий муборакбод этади. Унга сўхат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида амал ва зафарлар тилайди.

"Сирдарё Телеком" филиали ва алоқат алоқа ходимлари бирлашган касба уюмчаси кўмитаси жамоалари корхонанинг бош ҳисобчиси Самод СОДИҚОВНИ таваллуд топган куни билан чин қалбдан самимий табриқлайди. Унга сўхат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида амал ва зафарлар тилайди.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 9 май куни чиқади)